



2020 у. «21 » сентябрь

№ K-476

«      » 20 г.

**Бойсун тумани “Работ” массиви худудидан  
“Асал Нозила” МЧЖга давлат хусусий  
шерикчилик асосида болалар боғчаси  
биносини қуриш учун ер майдони  
ажратиш түғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари түғрисида” 2018 йил 05 апрелдаги ПҚ-3651-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/428-сон йиғилиш баёни ва Бойсун тумани ҳокимининг 2020 йил 22 июндаги 01-03/149-сон хатини кўриб чиқиб,

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 июлдаги 03-02/428-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.
2. Бойсун тумани “Работ” массиви худудидан “Асал Нозила” МЧЖга туман ҳокимлиги заҳирасидан жами 0,40 гектар лалми ер майдони давлат хусусий шерикчилик асосида болалар боғчаси биносини қуриш учун доимий фойдаланиш хуқуқи билан ажратилсин.
3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Фаниев) ва тумани ҳокимлиги (А.Жўраев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер хисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.
4. Мазкур қарор бир кун мuddатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ([surxondaryo.uz](http://surxondaryo.uz)) эълон қилинсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринbosарлари А.Сувонкулов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов